



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№17
30 июнь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
17-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
17-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 9**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 17-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Бутаев Жавлонбек Инатилло ўгли
Тошкент молия институти талабаси,
Раджабов Умурзоқ Облоқулович
Тошкент молия институти доценти
Telefon:+998(97) 770 30 95
butayevjavlon@gmail.com*

Аннотация: Ушбу тезисда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш тушунчаси ва унинг асосий омиллари, инновациялар бўйича илмий қарашлар, Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва улар асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион ғоялар, инновацион ривожланиш, ихтирочилик, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, фан-техника тараққиёти, инновацион ривожланиш муаммолари, инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлаш.

Охириги йилларда давлатлараро рақобат кескинлашиб, жаҳон бозорларида инновация даражаси юқори бўлган маҳсулотларга талаб ортди. Хусусан, фан-техника сифими юқори маҳсулотларга эҳтиёжнинг ошиши мамлакатимиз миллий иқтисодиёти таркибида юқори технологияли маҳсулотлар улушини кўпайтиришга бўлган интилишни, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш заруриятини янада кучайтирди. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бекаму кўст амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновацияларнинг аҳамияти бекиёс. Улар рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кодир, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни миллий иқтисодиётга кенг қўллашни талаб қилади.

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан яна бири инновацияларни соҳа тармоқларига самарали жорий этишдир. “Инновация” атамаси эса “янгилик киритиш” ёки “янгиликлар” тушунчасининг синонимидир.

Инновацияларни жорий қилиш, биринчидан, техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга маблағлар сарфлаш бўлса, иккинчидан, илмий-техник ютуқлар ва илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган замонавий техника ва технологиялар демакдир. Ихтирочиликнинг ривожланиши, бирор йўналишда йирик ихтиро ва кашфиётлар яратилиши инновацион фаолиятнинг муҳим омиллари саналади.

Инновациялар мазмунини ўзгаришлар ташкил қилади ва инновацион фаолиятнинг асоси ўзгаришлар функцияси ҳисобланади. Австралиялик олим И.Шумпетер инновацияларнинг бешта асосий турини ажратиб кўрсатган.

1. Янги техникадан, янги технологик жараёнлардан фойдаланиш.



2. Янги хусусиятларга эга маҳсулотни жорий қилиш.
3. Янги хомашёни қўллаш.
4. Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва унинг моддий-техник таъминотидаги ўзгаришлар.

5. Маҳсулот сотишнинг янги бозорини очиш.

Ушбу йўналишлар бўйича иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини юксалтириш корхоналарнинг ички имконият ва захираларидан самарали фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш орқали таъминланади.

Янги турдаги хомашё, машиналар, ускуналар, энергия манбалари, технологик жараёнларнинг пайдо бўлиши янги тармоқлар вужудга келишига туртки беради. Фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларнинг ривожлантирилиши ҳар қандай илғор мамлакат учун фан-техника тараққиётининг негизи вазифасини ўтайди. Зеро, кўплаб янги ва истиқболли тармоқлар пайдо бўлиши ва тараққий этишига фундаментал фанлар ва амалий изланишлар ютуқлари сабаб бўлган.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида Инновацион илмий-техника фаолиятни молиялаштириш фонди ташкил қилинган. У мавжуд молиявий ва моддий ресурсларни тўплаш ҳамда уларни инновацион фаолиятни ривожлантириш учун йўналтириш имконини яратади. Ҳозир мамлакатимизда бу борада қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

– ихтиролар, ноу-хау, илмий-техник ишланмалар негизида янги, илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг тажриба-саноат намуналарини яратиш, саноат синовларидан ўтказиш, янги технологияларни жорий этиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш;

– мавжуд технологияларнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган, тижорат нуқтаи назаридан самарали бўлган, маҳаллий хомашё асосида янги, илмий ҳажмдор маҳсулотларни бозорга чиқариш;

– саноат чиқиндилари ҳамда иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш технологияларини ўзлаштириш;

– илм-фаннинг замонавий натижаларини ёритувчи монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва ўқув жараёнида улардан фойдаланиш;

– инновация фаолиятини кенгайтириш, интеллектуал фаолият объектларини амалиётда қўллашга бағишланган республика ва халқаро миқёсдаги семинар, конференция ҳамда кўرғазмалар ташкил этиш ва ҳоказолар.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Пировардида инновацион жараёнларни рағбатлантириш ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Шунингдек, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди.

Албатта, мамлакатни инновацион ва илмий-техник жиҳатдан ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик фаолият кўрсата бошлагани ўзига хос янгилик бўлди. Бироқ илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Бунга, авваламбор, қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

– биринчидан, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичлари пастлиги ҳамда қониқарсизлиги;

– иккинчидан, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари



мавжуд эмаслиги;

– учинчидан, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан, уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарлича жалб қилинмаслиги;

– тўртинчидан, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2018 йилнинг 7 майда Президентимиз “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Унда илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

– бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат) ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

– юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш;

– инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб этиш;

– янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш учун:

– аввало, инновацион маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни рағбатлантириш, юқори технологияли тармоқлар ривожланишига шароит яратадиган омилларни қўллаб-қувватлаш лозим бўлади;

– қолаверса, ишлаб чиқариш омилларининг умумий самарадорлиги ўсиши ишлаб чиқаришда “инновацион омиллар”га маблағ қўйиш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантиришга харажатлар улушини кўпайтириш ва илм талаб тармоқларда бандлик улушини ошириш, илғор хорижий технологияларни келтириш, юқори малакали кадрлар, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида хорижий мутахассислар таклифини кўпайтириш ҳисобидан амалга ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2018 й. ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

4. Инновационный менеджмент. Учебник. Под. ред. С.Д. Ильенковой. Москва, 2007. с.42.

5. Shumpeter Y. Business Cycles. vol. 1,2. New York, 1989. p.71.

6. Морозов Ю.П. Инновационный менеджмент. М.:ЮНИТИ 2000. с.57.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(9-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000